

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЕГАМБЕРДИЕВ БЕХЗОД БАХТИЯРОВИЧ

**ТЕЗЮРАР ПОЕЗД ҲАРАКАТИ ФАЗОВИЙ МАСАЛАСИНИНГ
АЭРОДИНАМИК МОДЕЛЬ ВА ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ
АСОСИДА ҚАРШИЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

УДК: 519.6:629.4.015

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Егамбердиев Бехзод Бахтиярович

Тезюар поезд харакати фазовий масаласининг аэродинамик модель ва хисоблаш алгоритмлари асосида қаршилигини тадқиқ қилиш3

Егамбердиев Бехзод Бахтиярович

Исследования сопротивлений пространственных задач движения высокоскоростных поездов на основе аэродинамических моделей и вычислительных алгоритмов21

Egamberdiev Behzod Bakhtiyarovich

Studies of the resistances of spatial problems of movements high-speed trains based on aerodynamic models and computational algorithms39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЕГАМБЕРДИЕВ БЕХЗОД БАХТИЯРОВИЧ

**ТЕЗЮРАР ПОЕЗД ҲАРАКАТИ ФАЗОВИЙ МАСАЛАСИНИНГ
АЭРОДИНАМИК МОДЕЛЬ ВА ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ
АСОСИДА ҚАРШИЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T2641 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.airi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Равшанов Нормаммад
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжаев Исмаилов Кушаевич
техника фанлари доктори, профессор

Мухамедиева Дилдора Кабиловна
техника фанлари доктори (DSc)

Ўтақчи ташкилот:

**«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети»
федерал давлат автоном олий таълим муассасаси**

Диссертация ҳимояси Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.13/30.12.2021.T.142.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «17» феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 17А уй. Тел.: (99871) 263-41-98; e-mail: info@airi.uz).

Диссертация билан Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 17А уй. Тел.: (99871) 263-41-98; e-mail: info@airi.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «02» феврал куни тарқатилди.

(2022 йил «30» декабр даги 34 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х. Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ф.М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қотиби, техника фанлари доктори, доцент

Ф.М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тезюарар поезд ҳаракатининг аэродинамик қаршиликларини ҳисоблашда илғор ахборот технологияларини жалб этиш орқали математик моделларини яратиш ва ҳисоблаш алгоритмлари асосида қаршилигини тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан, Япония, Германия, Ҳитой, Франция, Испания, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда тезюарар поездларнинг ҳаракати туфайли атроф муҳитга бўлаётган таъсири ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида аэродинамик қаршилигини катта қувурлар ёрдамида экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижалари ёрдамида башоратлаш тизимларининг математик модели, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда, тезюарар поездлар ҳаракатининг аэродинамик жараёнларни ўрганиш учун математик моделлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқишда мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий-техник йўналишга катта қизиқиш мавжуд бўлиб, темир йўл транспортида ҳаракатланувчи таркиб юзаларида шикастланиш пайдо бўлишини, ўқ бўйлаб ҳаво оқимларининг атрофдаги объектларга таъсир даражасини аниқлаш учун тегишли математик моделлар ёрдамида башорат қилиш, шунингдек ҳавфсизлик қоидаларини янгилаш имкониятини яратади. Барча саноати ривожланган мамлакатларда юқори тезликдаги йўловчи поездлари ҳаракати пайтида аэродинамик жараёнларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш муаммоларини ҳал қилиш учун математик моделларни, ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий воситаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, темир йўл транспорти ҳавфсизлигини ошириш муаммолари доимо мавжуд ва долзарбдир.

Ўзбекистон Республикасида тезюарар ва ўта тезюарар поездларнинг ривожланиши тўхтовсиз давом этмоқда, шу билан бирга тезюарар транспортни ривожлантириш «Ўзбекистон Темир йўллари» акциядорлик жамияти учун стратегик устувор йўналиш ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ...йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун темир йўллардаги ҳаракат ҳавфсизлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб уни амалга оширишда математик моделлар ва дастурий таъминотлар ёрдамида амалга ошириш мумкинлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тез юарар йўловчи поездлари ҳаракатини ташкил этган ҳолда «Қарши-Китоб» темир йўл линиясини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон.

электрлаштириш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2017 йил 10 июлдаги ПҚ-3121-сон, «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон қарори ва «Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 30 мартдаги ПҚ-232-сон қарорлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақидаги 2012 йил 04 июлдаги 192-сон ва «2022-2026 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 28 сентябрдаги 546-сон қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир йўл транспорти ҳаракатининг хавфсизлигининг муаммоларини ҳал қилишда ҳар-хил мураккабликдаги ва конфигурациядаги аэрогидродинамик қаршилиқнинг, ер юзасидаги заррачаларнинг кўчиши, ер юзасидаги заррачалар кўчишининг ҳаракатланиш қонунияти ва эркин фазода ёки транспорт (автомобиллар, поездлар, самолётлар, кемалар ва бошқалар) ҳаракатидан ҳосил бўлган аэрогидродинамик оқимларни ўрганиш масалаларига куйидаги хорижий олимлар ҳисса қўшганлар: Walter Frei, Antun Stipetic, Zdravko Tos, Davor Janjic, Cheng-Hua Shi, Ang Wang, Xiao-He Sun, Wei-Chao Yang, Э.К. Бютнер, В.И. Арнольд, S. Goldstein, L. Rosenhead, Л.Г. Лойцянский, В.В. Кравец, Е.В. Кравец, Л.В. Готиш, Г.Ю. Степанов, Г.Н. Абрамович, Р.З. Даутов, М.М. Карчевский, В.П. Осипов, Т.В. Сивакова, В.А. Судаков, Ю.И. Нечаев, В.В. Макаров ва бошқалар.

Ўзбекистонда Х.А. Рахматулин, А.А. Хамидов, Н. Равшанов, Ш.С. Файзибаев, Р.Ш. Исанов, С.Т. Джаббаров ва бошқалар сиқилувчан сиртларнинг пенетрацион (ўзаро бир бирига кириб бориш) ҳаракатларининг газ динамикаси асослари учун математик моделлар ва рақамли алгоритмларни ишлаб чиқиш, ҳавонинг сиртга яқин қатлам динамикаси, кўп фазали ёпишқоқ суюқликлар оқими назариясига ва шунга ўхшаш масалаларга улкан ҳисса қўшишиган.

Юқорида этиб ўтилган, шунингдек, бошқа кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозиргача сезиларли натижаларга эришилган, аммо аэрогидродинамиканинг ҳар қандай муаммоларини, хоҳ ламинар, хоҳ турбулент оқимларнинг муаммоларини ҳал қилиш анча катта ҳисоблаш ресурсларини талаб қилади. Шу билан бирга, юқори тезликдаги

йўловчи поездлар хавфсизлигини ва атроф муҳит хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тезюрар поездлар ҳаракати натижасида қаттиқ заррачаларнинг кўчишининг аэрогидродинамик жараёнларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш муаммоларини ҳал қилиш учун математик моделларни, ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий воситаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Давлат Транспорт университети ва Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг АЗ-ФҚ-0-71229, АЗ-029 «Тезюрар электропоезд ҳаракатининг аэродинамик тадқиқоти (160 – 200 - 250 км/соат тезликлари учун)» (2012-2014) ва А-ОТ-2021-108 «Орол бўйлаб атроф-муҳит ва экологик вазият мониторинги ва прогнози учун ахборот таҳлилий дастурий маҳсулот» (2021-2022) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ҳаво оқими билан тезюрар поездини оқиб ўтиш ва унинг ҳаракати остида заррачаларнинг кўчиш процессини ҳисоблаш жараёнларининг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотларини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

эллипсоид, текислик ва тезюрар поездларининг ҳаракатини имитация қилаётган икки текисликлар ҳаракатларидан ҳосил бўлган ўқ бўйлаб йўналган ҳаво оқимининг математик моделларини такомиллаштириш;

поезд таркибининг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган учта ортогонал кесимни ифодаловчи оқимларнинг икки ўлчовли математик моделларини ишлаб чиқиш;

тезюрар поезд ҳаракати натижасида заррачаларнинг кўчиш моделини яратиш, қаттиқ заррачаларнинг кўчиши учун критик тезликларни аниқлаш, қаттиқ жисимларнинг кўчишининг сальтацион ҳаракатларининг қонуниятларини ўрнатиш;

темир йўл таркибининг ҳаракати таъсири остида ва ҳаво оқими масалаларини сонли усуллар ёрдамида ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурлар таъминотини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тезюрар поездлар (Талго 250, Афросиёб) ҳаракати ва уларнинг аэродинамик жараёнлари қаралган.

Тадқиқот предмети бу поезд ҳаракатининг аэродинамикаси ва қаттиқ заррачаларнинг кўчиш қонуниятларини ўрганиш учун математик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурлар воситасидир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида аэродинамика масалаларининг математик моделлаштириш, конформал акслантириш ва сонли усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

потенциал ҳаво оқими орқали тезлик майдонлари, нормал ва уринма кучланишлар, бўйлама ва кўндаланг аэродинамик кучларни аниқлаш ҳисобига

эллипсоид атрофидаги оқим жараёнининг математик модели такомиллаштирилган;

ҳавонинг пастки ёпишқоқ қатламидаги тезлик профилларини ҳисоблаш ва уринма кучланиш қийматини аниқлаш асосида бир текислик бўйлаб ва икки текислик орасидаги икки қатламли ҳаво оқимининг математик моделлари такомиллаштирилган;

тезюарар поездининг уч ортогонал кесимларини ҳисобга олган ҳолда атрофидаги ҳаво оқимларининг икки ўлчовли математик моделлари ҳамда ҳаво босими ва тезлик профилларини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

заррачаларнинг шакли, оғирлиги ва зичлигини ҳисобга олган ҳолда тезюарар поезд ҳаракати натижасида заррачаларнинг ер устки қатламидан кўчиш жараёнинг математик моделлари ҳамда критик кўчиш тезлиги ва уларнинг сальтация вақтидаги траекторияларини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

темир йўл ҳудудида қурулиш тузилмаларини лойиҳалаш учун фойдали бўлган бир йўналишда ва қарама-қарши ҳаракат қилувчи поездларнинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган ҳавонинг тезликлар майдони аниқланган;

заррачаларнинг кўчишини ҳисоблашдан келиб чиққан натижалар темир йўллар йўлагига солинадиган материалларни танлашда қўлланиляпти.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тезюарар поезднинг ҳаракати натижасида поезднинг аэродинамикаси ва заррачаларнинг кўчишини аниқлашда маълум математик усуллар, тадқиқотлар ва моделлаштиришлардан фойдаланиб олинган натижалар ўтказилган тажрибалар билан мослиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тезюарар поездини ўқ бўйлаб оқими ҳақидаги икки ўлчовли математик моделларни қуриш бўлиб, уларнинг ечимлари қаршилиқ кучларини ва заррачалар кўчишининг критик тезлигини баҳолашга имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тезюарар поездлар ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, ҳамда Афросиёб (Талго 250) тезюарар поездлари ҳаракати пайтида ер юзасидаги компонентларининг массаси ва зичлигини аниқлаш учун ишлатилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тезюарар поездларнинг аэродинамикасини ўрганиш натижалари асосида:

бир ва икки текисликлар ҳаракатидан иборат бўлган ҳолатларни ўрганиш доирасида аниқланган ёпишқоқ ҳавонинг пастки қатламидаги тезликлар профили ва қаттиқ сиртларга уринма кучланиш қиймати, ҳамда тезюарар поезднинг учта текисликдаги аниқланган қаршилиқ кучлари ва учта ортогонал кесимдаги ҳавонинг профил тезликлари бўйича олинган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлар ва дастурий таъминот «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2022 йил 17 августдаги №01/2856-22-сон маълумотномаси).

Натижада тезюарар поездларнинг бутун йўналиши бўйлаб поезд ҳаракати ва атроф муҳитнинг хавфсизлиги таъминлашга хизмат қилган;

тезюарар поезд ҳаракати натижасида ер юзасидаги қаттиқ заррачаларининг кўчишининг математик моделлари ва заррачаларнинг кўчиш критик тезлиги, ҳамда улар ҳаракатларининг қонуниятларини ҳисоблаш алгоритмлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2022 йил 17 августдага №01/2856-22-сон маълумотномаси). Натижада тезюарар поезди ҳаракати пайтида ер усти зарраларининг дефляцияси минималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқотининг натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан республика илмий журналларида 6 та, хорижий журналларда 4 та мақолалар чоп этилган, ҳамда дастурий маҳсулотларни рўйхатдан ўтказганлиги тўғрисида 2 та қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалар белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ва нашр этилган ишлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Аэродинамик қаршиликнинг фазовий масалаларининг моделларини шакллантириш**» учта параграфдан ташкил топади.

Биринчи параграфда тезюарар поезднинг ҳаракатининг аэродинамик қаршилиги математик модели шакллантирилган, бунда тезюарар поезд таркибининг конфигурацияси уч ўлчовли эллипсоид (1-расм) сифатида қабул қилинган:


$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1. \quad (1)$$

Сиқилмайдиган ҳавонинг ҳаракати Эйлер тенгламаси билан тасвирланган:

$$\operatorname{div} \vec{V} = 0, \quad \vec{V} \cdot \nabla \vec{V} + \frac{1}{\rho} \operatorname{grad} p = 0. \quad (2)$$

Тезюарар поездининг $\vec{V}_n = V_n \vec{i}$ тезлик билан ҳаракат қилаётган вақтидаги сиқилмайдиган сирт қилиб қабул қилинган ҳаво тезлигининг потенциали $\varphi(x, y, z, t)$ топилган. Ҳавонинг вектор тезлиги $\vec{V} = \operatorname{grad} \varphi$ кўринишида аниқланган. Қидирилаётган ечим танлаб олиш учун, Лаплас тенгламасининг $\Delta \varphi = 0$ ечимини танлаб олиш учун эллипсоиднинг ташқи нуқталари учун Ньютон тортишиш потенциали асос қилиб олиган:

$$V_e(x, y, z) = \pi abc \int_0^\infty \left(\left(1 - \frac{x^2}{a^2 + u} + \frac{y^2}{b^2 + u} + \frac{z^2}{c^2 + u} \right) \frac{du}{\sqrt{a^2 + u} \sqrt{b^2 + u} \sqrt{c^2 + u}} \right). \quad (3)$$



1-расм. G соҳада OX ўқи бўйлаб мусбат йўналишда ҳаракат қилаётган уч ўлчовли эллипсоид

Чексизлик $\vec{V}_\infty = V_\infty (\cos \alpha \vec{i} + \cos \beta \vec{j} + \cos \gamma \vec{k})$ шартидан, бир нечта алмаштиришлардан сўнг, эллипсоиднинг ташқи нуқталари учун Ньютон тортишиш потенциали куйидаги кўринишга эга бўлган:

$$V_e = \pi [D - Ax^2 - By^2 - Cz^2], \quad (4)$$

ва ички нуқталари учун

$$V_i = \pi [D_0 - A_0 x^2 - B_0 y^2 - C_0 z^2]. \quad (5)$$

Худди шундай эллипсоиднинг тортишиш кучи ҳам топилган:

$$X = 2\pi Ax; \quad Y = 2\pi By; \quad Z = 2\pi Cz. \quad (6)$$

Аэродинамика ва Ньютоннинг тортишиш масалаларини таққослаш натижасида доимий тезлик билан ҳаракатланувчи жисмга нисбатан ҳаво тезлигининг потенциали аниқланган:

$$\varphi = V(x \cos \alpha + y \cos \beta + z \cos \gamma) + \frac{Ax \cos \alpha}{2 - A_0} + \frac{By \cos \beta}{2 - B_0} + \frac{Cz \cos \gamma}{2 - C_0} \quad (7)$$

Уринма кучланиш босими $p = p_0 - \rho \frac{\partial \varphi}{\partial t} - \frac{\rho V_n^2}{2}$ формуласи орқали аниқланган ва ундан қаршилик кучини

$$\vec{R} = 2p \int_S \left(\frac{x\vec{i}}{a^2} + \frac{y\vec{j}}{b^2} + \frac{z\vec{k}}{c^2} \right) dS$$

ва асосий моментни

$$\vec{L} = \iint_S p[\vec{r}, \vec{n}] dS = \int_{(S)} \left(p_0 - \rho \frac{\partial \varphi}{\partial t} - \rho \frac{\partial V^2}{\partial 2} \right) [\vec{r}, \vec{n}] dS,$$


ҳисоблашда фойдаланилган, бунда \vec{n} – S уч ўлчовли эллипсоиднинг ташқи сиртга орт нормали

$$\vec{n} = \text{grad} \left[\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} \right];$$

\vec{r} – M нуқтанинг радиус вектори, $\vec{r} = (x - x_0)\vec{i} + (y - y_0)\vec{j} + (z - z_0)\vec{k}$.

Шундай қилиб, шаклланган модел уч ўлчовли эллипсоид атрофидаги оқимнинг аэродинамикасини батафсил ўрганишга имкон беради, бунда биз барча мумкин бўлган кўрсаткичларни кўришимиз мумкин.

Иккинчи параграфда тезюар поезд ҳаракати натижасида ҳосил бўлган икки қатламли ҳаво оқими (2-расм) масаласи учун математик модел ишлаб чиқилган. x ўқи трасса бўйлаб жойлашган, AE ҳаракатланувчи текисликни ифодалайди. G_z соҳасида ҳаво идеал деб, AE ва x ўқи орасидаги соҳа эса ёпишқоқ суюқлик деб ҳисобланади.



2 - расм. G_z ва G_n соҳанинг икки қатлами ҳаво оқими

G_z соҳаси учун бу жараён политропик $p = p_0 (\rho / \rho_0)^n$ деб ҳисоблаб, босим майдони топилган:

$$p = c\rho \frac{n-1}{n} - \frac{V^2(x, y)}{2} \frac{n-1}{n}. \quad (8)$$

G_n соҳаси учун чегаравий қатлам назариясининг яқинлашиш тезлик профили аниқланган


$$\hat{u} = \frac{1 - e^{\lambda^* 2V_0 \hat{x}}}{1 + e^{\lambda^* 2V_0 \hat{x}}} V_0,$$

бу эса уринма кучланиш қийматини аниқлаш имконини беради (V_0 – поезднинг тезлиги; \hat{x} – узулиш нуқтасидан ўлчовсиз узоқликда жойлашган масофа; $\lambda^* = v / \hat{u}_0 L$).

Учинчи параграфда қарама-қарши ҳаракатланаётган поездлар (3-расм) ҳаракати аэродинамикасининг математик модели ишлаб чиқилган. Ушбу масалада асосий эътибор поездларнинг тескари ҳаракатини ифодаловчи икки текислик орасидаги оқимни ўрганишга қаратилган. Ушбу соҳа учун тенглама қуйидаги шаклга эга:

$$\frac{\partial u}{\partial x} = 0, \quad \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x} = v \frac{\partial^2 u}{\partial y^2}, \quad (9)$$

баратропик жараёнда: $v \frac{\partial \Omega}{\partial x} = v \frac{\partial^2 u(y)}{\partial y^2}$.



3-расм. Ўзъаро паралел бўлагн иккита текисликнинг тўғри чизик бўйлаб бир бирига қарама-қарши ҳаракати

(9) системани ечишда икки тана орасидаги ўлчовсиз шаклда тезликлар тақсимоти топилган:

$$\hat{u}(\hat{y}) = \text{Re} \frac{\partial \hat{p}}{\partial \hat{x}} \frac{\hat{y}^2}{2} + C_1 \hat{y} + C_2, \quad (10)$$


ва уринма кучланиш қуйидаги кўринишда аниқланган:

$$\tau_{xy} = \mu \frac{\partial \hat{u}}{\partial \hat{y}} = \mu \frac{\partial}{\partial \hat{y}} \left[\frac{\text{Re}}{2} \frac{\partial p}{\partial x} (y^2 - h^2) + \frac{V_{1n} + V_{2n}}{2h} y + \left(\frac{V_{2n} - V_{1n}}{2} \right) \right]. \quad (11)$$

Биринчи боб натижаларига кўра: биринчи бор уч ўлчовли эллипсоид аэродинамикаси фазовий масаласининг тўлиқ шакилланган математик модели фойдаланилган, ҳамда икки қатламли ҳаво оқими масаласи учун математик модел ишлаб чиқилган ва қарама-қарши ҳаракатланаётган паралел текисликлар аэродинамикаси модели ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Вертикал, горизонтал ва фронтал кесимларда тезуар поезд аэродинамикасининг икки ўлчовли математик моделлари**» учта параграфдан ташкил топган.

Биринчи параграфда тезуар поезднинг вертикал текисликда ҳаракатланиши пайтида аэродинамик қаршилигининг модели ва ҳисоблаш алгоритми шакллантирилган. Амалий нуқтаи назардан масалани ечиш давомида аниқланадиган икки қатламли ҳаво оқими ҳаракатига эгамиз (4-расм): ёпишқоқ $\delta(x)$ қалинликдаги қатламга ва юқоридаги чегаравий қатламга. x ўқи бўйлаб йўналтирилган (\overline{AB}) поезддан узоқ масофада A нуқтада жойлашган идеал суюқлик заррачаларининг тезлиги $V_A = V_n$ бўлади. Ҳаво оқимининг майдони $ABFCDE$ нуқталардан ўтувчи эгри чизик оқими бўлади, бунда DE – эркин сирт. Ҳосил бўлган ҳаво оқиминг заррачаларининг ҳаракати потенциал деб ҳисоблаймиз, у ҳолда ҳаво оқими заррачаларининг тезлиги $\vec{V} = grad\varphi$ тенгламаси билан топилади, бунда $\varphi(x, y)$ потенциал тезлик деб ҳисобланади. Узилуксизлик тенгламаси $\frac{\partial \rho u}{\partial x} + \frac{\partial \rho v}{\partial y} = 0$ кўринишга эга, бунда u, v – ҳаво оқими заррачаларининг тезлик векторининг компоненталари.



4-расм. Поезд ҳаракатининг вертикал текисликдаги ҳаво оқими


Ток функцияси $\psi(x, y)$, куйидаги боғлиқларга кўра киритилган:

$$u = \frac{\partial \varphi}{\partial x} = \frac{1}{\rho} \frac{\partial \psi}{\partial y}, \quad v = \frac{\partial \varphi}{\partial y} = -\frac{1}{\rho} \frac{\partial \psi}{\partial x}, \quad (12)$$

бунда $\rho = \begin{cases} const & \text{при } M < 0,3 \\ \text{переменная} & \text{при } M \geq 0,3 \end{cases}$ ва M – Мах сони. Комплекс

потенциал киритилгандан сўнг $w(z) = \varphi(x, y) + i\psi(x, y)$, бунда $z = x + iy$ потенциал тезлик, ρ – аналитик функция бўлади.

G_z оқим соҳасининг G_0 соҳасига акслантирилган (5-расм).



5-расм. G_z оқим соҳасининг G_0 соҳасидаги кўриниши

Унда киритилган потенциал тезлик функцияси $\varphi(x, y)$ ва ток функцияси $\psi(x, y)$ Лапласа тенгламасини қаноатлантиради, комплекс потенциали $w(z) = \varphi(x, y) + i\psi(x, y)$ эса G_z $z = x + iy$ соҳасида ҳам G_0 каноник соҳасида ҳам аналитик функция бўлади, бунда $\zeta = \xi + i\eta$, ξ ва η ζ -нинг мос равишда ҳақиқий ва мавҳум қисимлари ҳисобланади. Чегараларни мос келиш принциpidан фойдаланиб, Жуковский функцияси киритилади:

$$\omega(\zeta) = \ln \frac{V_0}{\bar{V}(\zeta)} = \ln \frac{V_0}{V(\zeta)} + i\theta,$$

бунда $\vec{V} = u\vec{i} + v\vec{j}$ – тезлик вектори; θ – ҳаво заррачаларининг тезлик векторини горизонтига нисбатан оғиш бурчаги. Чегаравий шартлардан фойдаланган ҳолда G_0 соҳада $\omega(\zeta)$ кўринишида Жуковский функцияси аниқланган:

$$\omega(\zeta) = \sqrt{\zeta - 1}\sqrt{\zeta - e}\omega_1(\zeta).$$

Вертикал текисликда тезликлар майдонини ҳисоблаш алгоритми

G_0 оқим соҳасида $\omega_1(\zeta)$ функцияси қуйидагича аниқланган:

$$\omega_1(\xi) = \frac{1}{\pi} \int_{-\infty}^{\infty} \frac{\text{Im} \omega_1(t) dt}{t - \xi}.$$

Бунда қидиралаётган $\omega_1(\zeta)$ функцияси учун Шварц интеграл формуласидан фойдаланиб G_0 соҳасида чегаравий қийматларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишга келамиз:

$$\omega_1(\zeta) = \frac{1}{\pi} \left\{ \int_0^f \frac{\frac{\pi}{2} dt}{\sqrt{1-t}\sqrt{e-t}(t-\zeta)} + \int_f^c \frac{\alpha\pi dt}{\sqrt{1-t}\sqrt{e-t}(t-\zeta)} + \int_c^1 \frac{\beta\pi dt}{\sqrt{1-t}\sqrt{e-t}(t-\zeta)} \right\},$$

сўнг аналитик усул билан ечиб қуйидаги тенгликни топамиз:

$$\omega_1(\zeta) = -\frac{2}{\sqrt{\zeta - e}\sqrt{\zeta - 1}} \left\{ \ln F(0, \zeta) [F(f, \zeta)]^{1-2\alpha} [F(c, \zeta)]^{2(\beta-\alpha)} \right\}. \quad (13)$$

Жуковский функциясида G_0 соҳаси учун туташ комплекс тезликнинг тақсимои топилган:

$$u - iv = \bar{V}(\zeta) = V_0 \mathbb{F}(\zeta),$$

$V_n = V_0 \lim_{\xi \rightarrow \infty} F(\xi, 0)$ шартидан DE эркин соҳадаги заррачаларнинг тезлиги топилган, бу ерда $\eta = 0$ ва $\xi \rightarrow \infty$ лимитни ҳисоблаш натижасида қуйидаги тенглик аниқланган

$$V_n = V_0 \Phi_0(f, c, e),$$

бунда

$$\Phi_0(f, c, e) = \frac{\sqrt{e-f} + \sqrt{1-f}}{\sqrt{e+1}} \cdot \left(\frac{\sqrt{e-c} + \sqrt{1-c}}{\sqrt{e-f} + \sqrt{1-f}} \right)^{1-2\alpha} \cdot \left(\frac{\sqrt{e-1} + 1}{\sqrt{e-c} + \sqrt{1-c}} \right)^{2\beta-2\alpha},$$

f, c, e – нинг қийматлари эса кейинги кадамда сонли усул билан ҳисобланган.

Мос келувчи нуқталарни G_z соҳасидан G_0 соҳасига акслантирувчи функция ёрдамида G_z соҳасидаги ҳаво заррачаларининг тезликлар сирти параметр кўринишида келтириб чиқарилган, бунда G_z соҳаси G_0 соҳасига акслантирилиши учун z ва ζ ўзгарувчиларнинг бир бирига қарамлиги қуйидаги кўринишда аниқланган:

$$\hat{z}(\zeta) = \frac{z(\zeta)}{H} = \frac{\Phi_0}{\pi} \int_0^{\zeta} \frac{d\xi}{(e-\xi)\mathbb{F}(\xi)}. \quad (14)$$

Тезликларнинг сирт тақсимои қуйидагича топилган:

$$\hat{u} = [\hat{x}(\xi, \eta), \hat{y}(\xi, \eta)] \quad \text{ва} \quad \hat{v} = [\hat{x}(\xi, \eta), \hat{y}(\xi, \eta)],$$

бу ерда

$$\hat{x}(\xi, \eta) = \operatorname{Re} \left(\frac{\Phi_0}{\pi} \int_0^{\xi} \frac{d\tau}{(e-\tau)\mathbb{F}(\tau)} \right); \quad \hat{y}(\xi, \eta) = \operatorname{Im} \left(\frac{\Phi_0}{\pi} \int_0^{\xi} \frac{d\tau}{(e-\tau)\mathbb{F}(\tau)} \right). \quad (15)$$

Ҳамда сиқилувчан суюқлик учун, политропик жараёнда, босим ва зичлик қуйидагича:

$$p = p_0 \left(1 - \frac{V^2}{V_0^2} \tau_0 \right)^{\gamma+1}, \quad \rho = \rho_0 \left(1 - \frac{V^2}{V_0^2} \tau_0 \right)^{\gamma}, \quad \tau = \tau_0 \left(1 - \frac{V^2}{V_0^2} \tau_0 \right)^{\gamma}, \quad (16)$$

бу ерда $\gamma = \frac{1}{n-1}$, $\tau_0 = \frac{V^2}{V_{\max}^2} = \frac{n-1}{n+1} M_0^2$, $M_0 = \frac{V_0}{a}$ – эркин сирт бўйлаб Мах сони,

a – атмосферада товушни тарқалиш тезлиги, n – политропия кўрсаткичи. Ҳамда DE эркин сиртида ҳавонинг тезлик қиймати қуйидагича бўлади:

$$V_0 = \frac{V_n}{\Phi_0}.$$

(14) ва (15) сингуляр интегралларни ҳисоблаш учун тақрибий ҳисоблаш Симпсон усули қўлланилди. Delphi дастурлаш муҳитида тузилган дастур ёрдамида Афросиёб поездининг конфигурациясига 1мм аниқлик билан мос

келувчи номаълум $f=0.08$; $c=0.44$; $e=1.08$ қийматлар топилди (6-расм). x ва y учун тегишли якуний натижалар 7-расмда кўрсатилган.

Form1

H Tal'go: 5
 Alfa: $\pi/9$
 Beta: $\pi/4$
 N: 50

Lbf: 1.1
 Lfc: 2.3
 Lcd: 2.1

Start
 Clear
 STOP

Minimum

0.01 <=f<= 0.3 HF 0.01 1.15073128132448
 0.31 <=c<= 0.91 HC 0.01 2.28241486930221
 1.01 <=e<= 1.21 HE 0.01 2.09885071608089

#	f	c	e	Lbf	Lfc	Lcd	Φ_0
34788	0.29	0.9	1.08	2.40234638263029	2.12894638692039	0.292505061726864	0.560616101881235
34789	0.29	0.9	1.09	2.25883545187493	1.9876968240039	0.267106841345877	0.560300972637481
34790	0.29	0.9	1.1	2.13714777698911	1.86793671513525	0.245974352863448	0.559699665769782
34791	0.29	0.9	1.11	2.03222088929176	1.76472576775397	0.228089566982216	0.558884646200154
34792	0.29	0.9	1.12	1.9405005275306	1.67458595933955	0.212740042595941	0.557907830240986
34793	0.29	0.9	1.13	1.85940778374056	1.59498704038836	0.199410895798057	0.556807353816242
34794	0.29	0.9	1.14	1.78701968919925	1.5240375738365	0.187719964030238	0.555611809797432
34795	0.29	0.9	1.15	1.72186903148395	1.4602909553541	0.177377148438757	0.554343004041953
34796	0.29	0.9	1.16	1.6628141323908	1.40261899892479	0.168157964486185	0.553017805960067
34797	0.29	0.9	1.17	1.60895140939623	1.35012690191988	0.159885790363595	0.551649425067341
34798	0.29	0.9	1.18	1.5595550404292	1.30209446303046	0.152419628764448	0.550248312193565
34799	0.29	0.9	1.19	1.5140343300492	1.25793447184173	0.145645470246347	0.548822808617131
34800	0.08	0.44	1.08	1.15073128132448	2.28241486930221	2.09885071608089	0.424006708096376

6-расм. «Solutions of the conformal mapping method for a high-speed train» дастйрий мажмуасининг интерфейси



7-расм. Поезд таркибининг устида ҳаво зарраларининг сиртга тарқалиши тезликлари майдони

Худди шундай иккинчи параграфда ҳам, горизонтал текисликда ҳаракат қилаётган поезд таркиби атрофдаги ҳаво зарраларининг сиртга тарқалиш тезликлари ва босими аниқланган.

Учинчи параграфда вертикал текислик моделига асосланиб (2.1-§га қаранг) фронтал текислик учун қуйдагилар топилган: эркин сиртдаги тезлик модули; вагоннинг ён деворидаги тезлиги; вагон сиртидаги ҳаво оқими зарраларининг тезлиги; $H_0 = 3.395$ м масофасидаги тезликни тарқалиши; DA' соҳаси бўйлаб босим; $\Delta h_E = 2,6061 \cdot l_{BF}$ кенгликдаги ҳаво оқими зарраларининг тезлиги.

Иккинчи бобда амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасига кўра 5 метрдан ортиқ масофада тезюрар поезднинг 230 км/соатидан ошмайдиган тезлик билан ҳаракатланиши вақтида ҳаво оқими томонидан ҳосил бўлган босим аҳамиятсиз. Шунга кўра, ҳимоя тузилмалари ва бошқа кенгайтмалар темир йўл йўлагидан 5 метр ва ундан ортиқ масофада ўрнатилиши мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «Тезюрар поезд ҳаракатининг таъсири остида ер юзасидаги заррачаларнинг кўчиш моделларини шакллантириш» тўртта параграфдан ташкил топган.

Биринчи параграфда Э.К. Бютнер усули асосида қаттиқ заррачаларнинг чизиқли аэрогидродинамик кучи ва заррачаларнинг оғирлик кучи таъсири остида ҳаракатланиш тенгламаси тузилган.

Тезюрар поезд шамоли таъсирдан қаттиқ зарраларнинг кўчиш ҳаракатининг қонуниятлари шамол тезлигига ва динамик параметр $\Phi_0 = \frac{C_3 \rho_e w_0^2}{C_2 \rho_q g d_q} (1 - \cos \beta) = \frac{w_0^2}{g d_q} (1 - \cos \beta)$ -га боғлиқлиги аниқланган. Бу ерда $C_2 = 0.8$, ва $C_3 = 0.6$ кум заррачасининг коэффициенти, ρ_q – заррачанинг зичлиги, ρ_e – ҳавонинг зичлиги, d_q – заррачанинг диаметри, w_0 – гидравлик катталиқ, β – заррачанинг кўчиш бурчаги. Заррачаларнинг кўчиш траекториясини топиш учун қуйидаги формулалар келтириб чиқарилган:

$$\hat{x}_q(\tau) = \hat{x}_0 + \hat{u}\tau \left[1 - \frac{\ln[1 + \Phi_0 \hat{u}\tau]}{\Phi_0 \hat{u}} \right],$$

$$z_q(\tau) = \left(1 + \frac{1}{2\Phi_0 \hat{u}} \right) \frac{\ln(1 + \Phi_0 \hat{u}\tau)}{\Phi_0 \hat{u}} - \frac{\tau}{2\Phi_0 \hat{u}} - \frac{\tau^2}{4}. \quad (17)$$

(17) формулалар асосида ҳисоб – китоблар бажарилган ва кўчиш траекторияси 8-расмда кўрсатилган.




Рис. 8. Кўчган заррачанинг траекторияси

Иккинчи параграфда тезюрар поезди таъсири остида ҳосил бўлган ҳаво оқими билан трапетсиоидал (трапециевидной) кўринишда бўлган заррачаларни оқиб ўтиш масаласи ечилган. Масалани ечиш конформ акслантириш ва Жуковский формуласи ёрдамида амалга оширилган. Комплекс потенциал деб $\omega(\zeta) = \varphi(\xi, \eta) + i\psi(\xi, \eta)$ қабул қилинган. Шварц интеграл формуласидан фойдаланган ҳолда $\omega_1(\zeta)$ ва $\omega(\zeta)$ функцияларининг ифодалари аниқланган, бунда $\omega(\zeta) = \omega_1(\zeta)\sqrt{\zeta - 1}$. Масаланинг чегаравий шартлари қуйидагича қаноатлантирилган:

$$\omega(\zeta) = \omega_1(\zeta)\sqrt{\zeta - 1} = \ln \left[\frac{F(\zeta, f)}{F(\zeta, c)} \right]^\beta = \ln \frac{V_0}{V}.$$

Конжугат (сопряженная) комплекс тезлик учун:

$$\bar{V}(\zeta) = V_n \frac{F(0, e)}{F(\zeta)},$$

координаталар учун эса –

$$z(\zeta) = \frac{H}{\pi} \int_0^\zeta \frac{d\zeta}{F(\zeta)(e - \zeta)}, \quad (18)$$

бу ерда $H = q = V_q H$ кенгликдаги чизикнинг комплекс потенциалининг баландлиги ва $F(\zeta)$ қуйидаги тенгликлардан топилади:

$$F(\zeta) = \left[\frac{F(\zeta, f)}{F(\zeta, c)} \right]^\beta, \quad F(\zeta, f) = \left[\frac{\sqrt{\zeta - 1} + \sqrt{f - 1}}{\sqrt{\zeta - 1} - \sqrt{f - 1}} \frac{\sqrt{\zeta - 1} - 1}{\sqrt{\zeta - 1} + 1} \right]^\beta,$$

$$F(\zeta, c) = \left[\frac{\sqrt{\zeta - 1} - \sqrt{1 - c}}{\sqrt{\zeta - 1} + \sqrt{1 - c}} \right].$$

f ва c трапетсионал заррачанинг қирраларини конформал акслантиришдаги тугунлари ҳисобланади. G_z оқим соҳасига мос келувчи f ва c коэффициентларни топиш учун сингуляр интегралларни (18) 2.1-§даги каби сонли усул билан ҳисобланган. G_z соҳасидаги чегаравий соҳанинг қалинлиги бўйича тезликларни ўртачага ўтказишда, қаттиқ заррачаларга таъсир қилувчи ҳаво заррачалари ҳаракатининг ўртача тезлиги топилган. Қаттиқ заррачанинг тортишиш кучи доимийлигини ҳисобга олган ҳолда унга таъсир қилаётган гидродинамик куч остида заррачанинг кўчиш ҳаракати сальтацион бўлади. Унинг ўртача тезлиги қуйидагича аниқланган:

$$V_{cp} = \bar{V} \left(0, \frac{f + c}{2} \right) = V_0.$$

Ҳаво оқимининг босими $p = \rho V_0^2 / 2$ тенглик билан аниқланган. Заррачаларнинг ердан юзасидан узилиши $\alpha\pi$ бурчак остида ва V_0 тезлик билан содир бўлади.

Учинчи параграфда тезюрар поезд ҳаракатидан ҳосил бўлган ҳаво оқимининг таъсири остида поезд тагидаги ва поезд вагонлари атрофидаги

ҳавонинг тарқалиш тезликлари, ҳамда куч таъсирида n -та қаттиқ заррачаларнинг кўчиши тўғрисидаги масалалар кўрилган. Оқимнинг таъсир кучини ҳисобга олган ҳолда, қаршилиқнинг чизиқли қонуниятидан, ҳаво оқимининг поезд тагида ёки атрофида жойлашган заррачаларга таъсир қилувчи тенгламаси тузилган. Масалани ечишдан учун аввало тўсиқларни (n -та қаттиқ заррачалар) оқиб ўтишда тезликларнинг тарқалиши 3.2-§ даги каби топилган. Қаттиқ заррачаларнинг ер юзасидан кўчиш масаласини ўрганиш учун қаттиқ заррачаларнинг ҳаракат тенгламасидан фойдаланамиз.

Масалани ўлчовсиз ўзгарувчилар билан ечишда заррачаларнинг сальтацион ҳаракатининг тезликлари топилган:

$$u_v(\hat{z}, \tau) = V_n \frac{\Phi_0 \hat{u} \tau}{1 + \Phi_0 \hat{u} \tau}, \quad w_v(\hat{z}, \tau) = V_n \frac{1 - \tau - \Phi_0 \hat{u} \frac{\tau^2}{2}}{1 + \Phi_0 \hat{u} \tau}.$$


$\tau \left(= \frac{w_0}{g} t \right)$ ўлчовсиз вақт бўйича интеграллаш натижасида, ва ушбу

$\hat{z}(0) = \hat{h}$, $\hat{x}(0) = \hat{x}_0$, шартларни ҳисобга олган ҳолда, бу ерда $h = \frac{w_0^2}{g} \hat{h}$ - сирт

қатлами, ва шу сирт қатламидан қаттиқ заррачаларнинг кўчиш траекторияси куйидаги формулалар билан аниқланган:

$$\hat{x}_r(\tau) = \hat{x}_0 + \hat{u} \tau \left(1 - \ln \frac{\Phi_0 \hat{u} \tau}{\Phi_0 \hat{u}} \right), \quad z_r(\tau) = \left(1 + \frac{1}{2\Phi_0 \hat{u}} \right) \ln \frac{1 + \Phi_0 \hat{u} \tau}{\Phi_0 \hat{u}} - \frac{\tau}{2\Phi_0 \hat{u}} - \frac{\tau^2}{4}. \quad (19)$$

Бунда шакиллантирган сальтацион ҳаракатнинг модели (19), заррачаларнинг ҳаракатланиш траекторияси ва қонуниятини топиш имконини беради (9 – расм).



9-расм. Ҳар-хил параметрли заррачаларнинг сальтацион ҳаракати

Тўртинчи параграфда Джизах шаҳрида (Даштобод назорат пункти) тезюар поезд йўлида қаттиқ зарраларни (шағал) ердан кўчиши бўйича ўтказилган тажрибанинг натижалари кўрсатилган, бунда тезюар поезднинг тезлиги 180-230 км/соатигача етади. Аналитик ечимлар натижаси билан эксперимент натижаларини таққослаганда уларнинг мослиги аниқ бўлди.

Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда таклиф қилинган модельни тезюарар поездининг таъсири остида ер сирти қатламидаги заррачаларнинг барқарорлигини ўрганишда ишлатиш мумкин.

ХУЛОСА

«Тезюарар поезд ҳаракати фазовий масаласининг аэродинамик модель ва ҳисоблаш алгоритмлари асосида қаршилигини тадқиқ қилиш» мавзусидаги диссертация иши доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари юзасидан қуйидаги асосий хулосалар чиқарилди:

1. Эллипсоидни потенциал оқим билан узилишсиз оқиб ўтиш масаласи шакилланган ва ечилган, сирт тезликлари, нормал ва урунма кучланишлар ҳамда таъсир қилувчи аэродинамик кучлар аниқланган. Эллипсоиднинг катта ўқи оқим ўйналишига мос келганда, масала тезюарар поезднинг ҳаракатини ифодалайди.

2. Текисликнинг ҳаракти билан ёпишқоқ ҳавонинг пастги қатлами ҳосил бўлиш масаласининг ечими олинган. Унинг асосида босим сиртини, сиртга урунма кучланишининг қийматини ва бошқа аэродинамик кўрсаткичларини аниқлаш мумкин.

3. Куэтга масаласи доирасида икки поездларнинг қарама-қарши ҳаракатининг икки ўлчовли математик модели ишлаб чиқилган ва поездлар орсаидаги тезликлар сирти аниқланган.

4. Тезюарар поездининг учта кесими: симметрия текислиги, горизонтал ва фронтал кесимлари атрофида ҳаракат қилаётган икки ўлчовли чегаравий қатламининг математик моделлар таклиф қилинган. Ушбу масалани ечиш учун конформал акслантириш усули ишлатилган, урунма кучланишни ва поездга таъсир қилувчи аэродинамик кучларни топиш учун зарур бўлган икки ўлчовли сирт тезликлари сонли усул билан аниқланган.

5. Тезюарар поезд ҳаракати натижасида заррачанинг кўчиши ва заррачаларнинг кўчиши (ансамбл) модели ишлаб чиқилди, қаттиқ заррачаларнинг кўчишини камайтиришнинг критик тезлиги аниқланди, қаттиқ заррачаларнинг кўчиш ҳаракатининг сальтацион қонуниятлари ўрнатилди.

6. Заррачаларнинг кўчишининг назарий натижаларининг ишончлилиги пастги қатламдаги тошларни кўчиши бўйича ўтказилган тажриба натижалари билан таққослаш орқали исботланган.

7. Заррачаларни оқиб ўтиш ва уларнинг кўчишини конформал акслантириш усули доирасида икки ўлчовли масалаларини ечиш учун алгоритми ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

8. Иш натижалари дастурий маҳсулотларини (№ DGU 20152 ва DGU 20153) ишлаб чиқиш учун ишлатилди ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ йўл хўжалиги ва юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш ва фойдаланиш Бошқармаларида жорий қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И
ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РАЗВИТИЯ
ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

ЕГАМБЕРДИЕВ БЕХЗОД БАХТИЯРОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЯ СОПРОТИВЛЕНИЙ ПРОСТРАНСТВЕННЫХ
ЗАДАЧ ДВИЖЕНИЯ ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ ПОЕЗДОВ НА
ОСНОВЕ АЭРОДИНАМИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ И
ВЫЧИСЛИТЕЛЬНЫХ АЛГОРИТМОВ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.1.PhD/T2641.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте развития цифровых технологий и искусственного интеллекта.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Равшанов Нормаммад
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хўжаев Исматулло Кушаевич
доктор технических наук, профессор

Муҳаммедиева Дилдора Кабиловна
доктор технических наук (DSc)

Ведущая организация:

Федеральное государственное автономное образовательное учреждение высшего образования «Национальный исследовательский ядерный университет «МИФИ»

Защита диссертации состоится «17» февраля 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2021.T.142.01 при Научно-исследовательском институте развития цифровых технологий и искусственного интеллекта. (Адрес: 100125, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, Буз-2, 17А. Тел.: (99871) 263-41-98; e-mail: info@airi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института развития цифровых технологий и искусственного интеллекта (регистрационный номер №27). (Адрес: 100125, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, Буз-2, 17А. Тел.: (99871) 263-41-98).

Автореферат диссертации разослан «02» февраля 2023 года.

(реестр протокола рассылки № 34 от «30» декабря 2022 г.).



Р.Х. Хамдамов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Ф.М. Нуралиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доцент

Ф.М. Нуралиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется задачам создания математических моделей расчета аэродинамического сопротивления при движении высокоскоростных поездов путем привлечения передовых информационных технологий и на основе расчета алгоритмов исследований его сопротивления. В развитых странах мира, включая Японию, Германию, Италию, Францию, Испанию, Российскую Федерацию и в других странах большое значение приобретает проблемы систем прогнозирования при создании математических моделей, алгоритмы расчета и программное обеспечение при вычислении аэродинамического сопротивления используя полученные данные экспериментов проведенных в больших трубах для обеспечения безопасности движения высокоскоростных поездов и их воздействия в окружающей среде.

Во всем мире проводятся целевые исследования по разработке математических моделей и программные обеспечения для исследования аэродинамических процессов при движении высокоскоростных поездов. Значительный интерес к данному научно-техническому направлению во многом обусловлен тем, что соответствующие математические модели позволяют прогнозировать появление повреждений на поверхностях подвижных составов, степень воздействия струйных течений воздуха на окружающие объекты, а также актуализировать регламенты безопасности для железнодорожного транспорта. Проблемы, связанные с дальнейшим развитием математических моделей, вычислительных алгоритмов и программных средств для решения задач анализа и прогнозирования аэродинамических процессов при движении высокоскоростных пассажирских поездов, а также задач повышения безопасности железнодорожных перевозок, неизменно актуальны во всех промышленно развитых странах.

В Республике Узбекистан развитие высокоскоростных поездов продолжается без перерыва, при этом развитие высокоскоростного транспорта является стратегическим приоритетом для акционерного общества "Ўзбекистон темир йўллари". В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности «дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления, ...развитию и модернизации дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктур»¹. Для успешной реализации этих задач важна безопасность движения по железным дорогам и их путям, что определяет возможность ее реализации с использованием математических моделей и программного обеспечения.

Исследование, проведенное в данной диссертации, в определенной мере способствует реализации задач, поставленных в Постановлениях Президента

